O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI INV.№

Shu aziz Vatan — barchamizniki

O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2008-yil • 29-noyabr • Shanba • 141 (27.946) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

«Ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди».

(Ўзбекистон Республикасининг Конституциясидан)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

ФУҚАРОЛАРНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДАГИ ОМОНАТЛАРИНИ ҲИМОЯЛАШ КАФОЛАТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШГА ОИД ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг омонатларини жаҳон молиявий кризисининг эҳтимол тутилган салбий оқибатларидан ҳимоялашнинг ишончли кафолатларини таъминлаш, мамлакат банк тизимига аҳолининг ишончини тобора мустаҳкамлаш, аҳоли омонатларини тижорат банкларига жалб қилиш учун қўшимча шарт-шароитлар яратиш мақсадида:

1. Маълумот учун қабул қилинсинки, «Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ, жисмоний шахсларнинг тижорат банклари депозит ҳисобварақларига жойлаштирилган пул маблағлари давлат томонидан ҳимояланган ва фуқароларнинг омонатлари бўйича ҳақ тўлашнинг ишончли кафолатлари қонунан таъминланади.

2. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ омонатларнинг миқдорларидан қатъи назар, фуқароларнинг тижорат банклари депозит ҳисобварақларидаги омонатлари бўйича тўла ҳажмда ҳақ тўлаш кафолатланади.

3. Белгилансинки, фуқароларнинг омонатлари бўйича тўлиқ миқдорда ҳақ тўлаш тижорат банкининг маблағи ҳамда қонун ҳужжатларига мувофиқ тижорат банкларининг бадаллари ва ажратмалари ҳисобига шакллантириладиган Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Марказий банк ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ҳафта муддатда «Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ҳамда бошқа қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига таклифлар киритсин.

5. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М.Мирзиёев ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг раиси Ф.М.Муллажонов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 2008 йил 28 ноябрь



Жанубий халқаро ва давлат аҳамиятидаги автомобиль йўлларини сақлашга ихтисослаштирилган таъмирлаш-фойдаланиш давлат корхонаси ишчилари Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари ҳудудидан ўтувчи — узунлиги 762 километр халқаро, 2710 километр давлат аҳамиятига эга автомобиль йўлларини қиш мавсумига тайёрлаш ишларини ниҳоясига етказиш арафасида турибдилар.

Ҳозир йўлларда хавфсизликни таъминлаш чора-тадбирлари кўрилмоқда. Жойларда керакли миқдорда қум, туз захиралари яратилди. Ер юзини муз қоплаган кунлари автомашиналарнинг хавф-хатарсиз ҳаракатланиши учун «Тахтақорача», «Чакчак» довонларида махсус бригадалар навбатчилик қилади.

Суратларда: Китоб туманидаги 168-йўлсозлик бўлими ишчиси Муҳиддин Назаров (ўртада) механизатор Тўйчи Ҳасанов (чапда) ва йўлсоз Йўлдош Раҳматовлар; «Тахтақорача» довони йўлидан лавҳа.

Ш.ШАРОПОВ (ЎзА) олган суратлар.

✓ Конституция — ҳуқуқ ва эркинлик, шаън ва қадр

ВИЖДОН ЭРКИНЛИГИ КАФОЛАТИ

Бисмиллоҳир раҳмонир раҳим. Қутлуғ байрамлар арафасида турибмиз. Яна бир неча кундан кейин Бош қомусимиз қабул қилинган санани ҳамда Қурбон ҳайитини нишонлаймиз. Бунда биз хосият ва мўътабарликни кўрамиз. Зеро, Бош қонунимиз берган кафолат боис бугун юртдошларимиз ибодатларини эминэркинликда адо этмоқдалар. Дарҳақиқат, унда Ўзбекистон фуқаролари миллати, ирқи ва динидан қатъи назар тенг ҳуқуқли, деб эътироф этилди ва ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланди. Аввало шуни таъкидлаш лозимки, айнан мустақиллик йилларида динга ва диндорларга бўлган муносабат тубдан ўзгарди. Кўплаб масжитлар очилди. Чунончи, 2007 йил Тошкент — Ислом маданияти пойтахти деб тан олиниши, қисқа муддатда «Ҳазрати имом» мажмуасининг бунёд этилиши динга бўлган эркин муносабат ҳосиласидир. Буюк алломаларимиз хотирасини абадийлаштириш, қадриятларимизни тиклаш ҳам конституциявий кафолат меваси ҳисобланади.

Мустақиллик йилларида ҳукуматимиз Имом Бухорий ёдгорлигини асраб-авайлаш ва янада ободонлаштириш, аллома меросини ўрганишни тартиб қилиш ишларини такомиллаштириш, Баҳоуддин Нақшбанд ёдгорлик мажмуаси марказини ташкил этиш ва Шоҳизинда ёдгорлик мажмуасида қайта тиклаш ва ободонлаштириш ишларини ташкил этиш ҳақида қабул қилган қатор қарорлар дунё маданияти хазинаси ва муқаддас динимиз ривожига улкан ҳисса қўшган буюк алломаларимиз меросини чуқур ўрганиш ва кенг тарғиб қилиш, уларнинг эзгулик, маънавий ва комилликка чорловчи ғояларини юртдошларимиз, айниқса, ёш авлод қалби ва онгига сингдириш ҳамда ёдгорликларни асраб-авайлаш, ободонлаштириш борасидаги ишларни янада такомиллаштиришга замин яратди.

Президентимиз Фармони билан фуқаролар йиғинларида диний, маърифий ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи лавозимининг жорий этилишини алоҳида таъкидлашни истардим. Фарзандларимизнинг диний ва дунёвий билимлар олиш ҳуқуқига эга эканликлари кафолатлангани боис Тошкент ислом институти ва ўнга яқин ўрта махсус ислом билим юртида, шунингдек, Тошкент ислом университетида фуқароларимиз фарзандлари эминэркин диний ва дунёвий билимларни эгалламоқдалар. Шу ўринда Юртбошимизнинг: «Инсон эътиқодсиз, иймонсиз яшай олмайди. Чунки комил ва собит эътиқод жамият маънавий қиёфасини белгилайди. Шу боисдан ҳам мамлакатимизда мустақилликнинг илк кунлариданоқ динга, хусусан, ота-боболаримиз дини бўлган ислом динига кенг йўл очиб берилди. «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонун қабул қилинди. Рамазон ва Қурбон ҳайитларини байрам сифатида нишонлаяпмиз...» деган муборак сўзларини таъкидлашни истардим.

Мамлакатимизда мусулмонларнинг диний маросимларни тўла адо этишлари учун лозим бўлган барча шарт-шароитлар муҳайё қилинмоқда. Жумладан, муборак ҳаж сафарига борувчи ҳожилар учун катта қулайликлар яратилган. Бу йил юртдошларимиздан беш минг нафар киши муборак ҳаж ибодатини адо этадилар. Муқаддас Маккаи мукаррама заминида туриб юртимизнинг равнақи, халқимизнинг фаровонлигини тилаб дуо қилмоқдалар.

Қонунларимизда динга эътиқод қилиш эркинлиги кафолатланмаганида юқоридаги каби ишлар амалга ошармиди? Шу боис юртимиздаги ҳар бир мусулмон, аввало мамлакатнинг фуқароси сифатида Конституциямизни муқаддас деб билади. Динимизга эркинлик берган улуғ ҳужжат сифатида эъзозлайди.

Яқинлашиб келаётган икки улуғ айём ҳаммамизга муборак бўлсин. Аллоҳ таоло юртимизга осойишталик, халқимизга файзу барокат ато этсин!

Ҳожи Абдураззоқ ЮНУС,
Ўзбекистон мусулмонлари идораси раисининг ўринбосари.

✓ ЎзХДП ҳаёти

Мамлакатимиз Конституциясининг 16 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Халқ демократик партияси Хоразм вилоят ташкилотлари томонидан аҳоли истиқомат жойлари, ўқув юртлари, меҳнат жамоаларида ҳуқуқшунослар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари, партия фаоллари иштирокида учрашувлар, давра суҳбатлари ўтказиб келинмоқда.

ҲУҚУҚЛАРИМИЗ ПОЙДЕВОРИ

Кеча Хонқа саноат касб-ҳунар коллежида «Мамлакатимиз Конституцияси — барча ҳуқуқларимиз кафолати» мавзуида давра суҳбати уюштирилди. Унда партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, вилоят партия ташкилоти фаоллари, мутахассислар ва электорат вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Шарбат Абдуллаева, вилоят партия кенгаши раиси Раимберган Сабуров, туман партия кенгаши раиси Аҳмаджон Ваисов, коллеж директори Ўктамбой Каримов ва бошқалар Конституциямизда Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг барча меъёрлари тўлиқ ўз аксини топгани, унинг давлат ва жамият ҳаётидаги ўрни ҳақида батафсил тўхталдилар. Мамлакатимиз бош ҳуқуқий ҳужжатида ҳар бир фуқаронинг ҳуқуқлари, бурч ва масъулияти аниқ белгилаб берилгани хусусида сўз юритилди. Бу ҳужжат мамлакатимизда бунёд этилаётган адолатли жамиятнинг ҳуқуқий пойдевори экани таъкидланди.

Самимий суҳбат асосида ўтган тадбирда ёшлар ўзларини қизиқтирган кўплаб саволларга жавоб олдилар. Шуни таъкидлаш керакки, бу ерда ХДПга аъзо бўлиш истагини билдираётган ўқитувчилар сафи тобора кенгайиб бормоқда.

ЎзХДП Марказий Кенгаши матбуот хизмати

ЁШЛАР ВА КОНСТИТУЦИЯ

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ҳар кимнинг билим олиш ҳуқуқи, фуқаролик, иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, шахсий ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатланган. Мамлакатимизда Президент Ислом Каримовнинг 2001 йил 4 январда қабул қилинган «Ўзбекистон Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида»ги фармойишига асосан аҳолининг, айниқса, ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, ўз ҳуқуқларидан фойдаланиш кўникмаларини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида Бош қомусимизнинг ёшлар ҳуқуқларини таъминлашдаги аҳамиятига бағишлаб ўтказилган давра суҳбатида ана шу ҳақда гап борди. Академия тингловчилари, профессор-ўқитувчилари, олим ва мутахассислар иштирок этган тадбирда ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, баркамол авлодни тарбиялаш, уларга замонавий таълим-тарбия бериш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишларда Бош қонунимиз мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилаётгани таъкидланди.

Тадбирда Конституциямизнинг ёшлар ҳуқуқларини таъминлаш борасидаги қоидаларини кенг тарғиб қилиш, бу йўналишдаги ишлар самарадорлигини оширишда ўқув муассасалари, жамоат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, ижтимоий институтларнинг ўзаро ҳамкорлигини кучайтириш хусусида таклифлар билдирилди.

(ЎзА)

«O`zbekiston ovozi» muxbirlari xabar qiladilar

ШИНАМ, КЎРКАМ ВА ҚУЛАЙ

Айни кунларда Денов туманида 92 та умумий ўрта таълим, 70 га яқин мактабгача ва мактабдан ташқари таълим муассасалари фаолият кўрсатмоқда. Ўндан ортиқ лицей ҳамда коллежларда бугунги авлод таълим-тарбия олаётир. Яқинда эса яна бир даргоҳ фойдаланишга топширилди. Туман марказидан ўн чақирмча олисда жойлашган Охунбобоев номли сувдан фойдаланиш уюшмасининг «Янгиобод-1» маҳалласида жойлашган мактаб-интернат қурилишига бир миллиард сўмга яқин маблағ сарфланган. Уни Термиз қурилиш ва таъмирлаш корхонаси жамоаси қурувчилари бунёд этишди.

— Ўтган асрнинг 60-йилларида қурилган бино бугунги кун талабига жавоб беролмай қолганди, — дейди мактаб-интернат директори Раъно Саломова. — Истиқлолнинг ўн еттинчи йилида орзуларимиз ушалди. Ҳукуматимизнинг ғамхўрликлари боис икки қаватли муҳташам бино ихтиёримизга топширилди. Бу ерда шинам ва ёруғ фан хоналари, муҳташам спорт зал, 200 ўринли ошхона мавжуд. 150 ўринли замонавий ётоқхона қаттиқ ва юмшоқ мебеллар билан жиҳозланган. Бир сўз билан айтганда эса келажак ворисларига яратилган бундай шароитлардан устозу мураббийлар, келажагимиз ворислари ёшлар ҳамда ота-оналар миннатдор.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ

ОЛИС ОВУЛЛАРДА ИЧИМЛИК СУВ

таъминоти яхшиланмоқда

Қорақалпоғистонда туман марказидан узоқда жойлашган аҳоли манзилларини ичимлик суви билан таъминлаш борасида қатор тадбирий ва амалий ишлар бажарилмоқда. Нукус, Шуманай, Қўнғирот, Қанликўл, Тахтакўпир, Караўзак, Чимбой ҳамда Кегайли туманларида босма кранли қудуқлар қазиш йўли билан ичимлик сувга бўлган талаб қондирилмоқда.

— «Қорақалпоқ қишлоқ хўжалик сув тармоқлари» трести буюртмаси бўйича 140 дона босма кранли қудуқлар қазиш режалаштирилган, — дейди трестнинг бош муҳандиси Ўразбой Эшмуратов. — Бу вазифа Оролбўйи гидрогеология экспедицияси жамоаси зиммасига юкланган. Ҳозиргача «Бирлешик», «Момий», «Акжап», «Деҳқонобод», «Урнак», «Адабиёт», «Суенли», «Қипчоқ», «Устюрт», «Қанли», «Хоразм», «Раушан», «Ажиниёз», «Каратал» овул фуқаролар йиғинлари ҳудудида, «Бўстон», «Жайхун», «Бескупир», «Арзимбет кум», «Казанкеткен», «Эркин Дарья», «Аспантай» каби овулларда ана шундай қудуқлар қазилиб, аҳоли ичимлик сув билан таъминланди.

Экспедиция шу йилнинг охири ва келаси йил давомида камида бир мингдан зиёд шундай босма кранли қудуқларни ишга туширишга бел боғлаган.

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ

✓ 3 декабрь — Халқаро ногиронлар куни

МАТОНАТЛИ ОДАМЛАР

Аброр — этикдўз, Юнусобод деҳқон бозори ҳудудида кичик дўкончаси бор. Устага бир бор иши тушган одам унинг пойабзалларни пишиқ-пухта таъмирлаганини кўриб, кейинги сафар ҳам келади.

Аброр туғма ногирон, икки оёғи йўқ. Лекин ҳунари бор. Рўзғор тебратишни уддалаб келаяпти.

— Худога шукр, шу кунгача бировнинг қўлига қараганим йўқ. Давлатимиз бераётган нафақа пулига кўз тикиб ўтирмасдан, кўриб турганингиздай, қўлдан келганча меҳнат қилаяпман. Топган-тутганим оиламга етиб турибди. Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ногиронлар аравачаси билан таъминлаган, — дейди у. — Болалигимда этикдўз устага шогирд тушиб, шу ҳунарни эгаллаган эдим, ҳозир ҳаётимда қўл келаяпти. Муҳими, уйда бекор ўтирганим йўқ. Одамларга нафим тегаяпти.

Суҳбат давомида англадимки, Аброр нафақат қўшимча даромад топаётганидан балки, жамиятда, одамлар орасида ўз ўрни борлигидан фахрланади.

Самарқандлик Нуриддин Турсунов ҳам автоҳалокат туфайли чап оёғидан ажралди. Каттақўрғоннинг «Ёш куч» футбол жамоасида ўйнаб, анча танилиб қолган 19 ёшли спортчини тақдирнинг бу қақшатқич зарбаси анча чўктириб қўйди. Олти ой уйдан чиқмади. Оёғи ерга тегиши билан коптокнинг изидан чопган, аввал маҳаллада, мактабда, кейин профессионал жамоада тўп сурган дамлари хотирасида жонланади. Алам, изтироб юрагини кемира бошлайди. Кечагина майдонда завқ билан тўп сурган футболчи учун бундан ортиқ азоб бўлмаса керак... Уни ҳаётга қайтарган ҳам футболга муҳаббати бўлди. Мамлакатимизнинг «Байналминал» ампутантлар футбол жамоаси ҳақида газетада ўқиб, тўғри мураббий олдига келди, уни қабул қилишди. Ҳафтасига уч марта бўладиган машғулотларга икки йил давомида узоқ Самарқанддан сабр-бардош билан қатнади.

3-бет >

O'zbekiston havo yo'llari TOSHKENT XALQARO AEROPORTI Хизматлар лицензияланган

БУГУНГИ СОНДА:

• ИЖРОСИЗ ТАҚДИМНОМАЛАР
ёки қонун талабини амалга оширишдаги қатъиятсизлик хусусида 2

• БМТ ТАНҚИД ҚИЛДИ
БМТ Хавфсизлик кенгаши Ҳиндистоннинг Мумбай шаҳрида содир этилган қўпорувчилик ҳаракатини танқид остига олди, деб хабар беради ИТАР-ТАСС. 3

Янги шеърлар
• «МУНИС ЮРТИМНИ ДЕБ ЎЙГА ТОЛАМАН» 4

✓ «Истиқбол» — ЎзХДП ёшлар қаноти

СИЁСИЙ МАДАНИЯТНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА

Мустақиллик йилларида юртимизда ёш авлодни катта ҳаётга тайёрлаш учун етарли ҳуқуқий, иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маънавий шарт-шароитлар яратилди. Келажагимиз эгаларининг юрт равнақига муносиб ҳисса қўшишини рағбатлантириш, уларда ҳуқуқий-сиёсий онгни шакллантириш, ташаббус ва интилишларини қўллаб-қувватлаш йўлида Ўзбекистон ХДП «Истиқбол» ёшлар қаноти изчил фаолият кўрсатмоқда.

Тошкент давлат шарқшунослик институтида «Ёшларда фуқаролик қўникмалари ва сиёсий маданиятни шакллантириш» мавзуида давра суҳбати ташкил этилди. Тадбирда «Истиқбол» фаоллари ва институт талабалари ёшларнинг сиёсий тафаккурини ошириш, уларда фаол фуқаролик позицияси шаклланишига кўмаклашиш, бу борада ёшлар қаноти фаолиятини такомиллаштириш юзасидан фикр алмашди. Ёшларнинг ўз масалаларини ечишга бўлган интилишини қўллаб-қувватлаш ва бу йўналишдаги қўникмаларни мустаҳкамлашга қаратилган таклифлар ўртага ташланди.

Гулгун СУЛТОНОВА

ЎзХДП: воқеалар, хабарлар, янгиликлар

Китоб туман кенгаши туман марказий шифохонасида учрашув ўтказди. Унда Китоб туман партия кенгаши раиси Санжар Қурбонов соғлиқни сақлаш соҳасидаги ислоҳотлар, тиббиёт ходимларининг машаққатли ва шарафли ишларига давлатимиз томонидан қаратилаётган эътибор, яратилаётган шарт-шароитлар ҳақида тўхталди. Ўзаро савол-жавоб, фикр алмашув бўлиб ўтди.

Худди шундай тадбирлар Сил ҳамда асаб касалликлари шифохонасида ҳам ўтказилди. Тадбирлар сўнггида тиббиёт соҳасида узоқ йилдан буён ишлаб келаётган бир гуруҳ фаол аъзоларга Ўзбекистон ХДП Китоб туман кенгашининг Фахрий ёрлиқлари топширилди.

Косон шаҳрида яқинда ишга тушган Ёшлар спорт мажмуасида тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Туман тиббиёт бирлашмаси, Тиббиёт ходимлари касаба уюшмаси ҳамда Ўзбекистон ХДПнинг бирлашмадаги бошланғич ташкилоти ҳамкорлигида ўтган тадбирда қизғин суҳбатлар бўлди, маърузалар тингланди. Тиббиёт бирлашмаси раҳбари Ҳ.Боборажабов, юқумли касалликлар шифохона бош ҳакими Ҳ.Каромов, Марказий шифохона бош ҳамшираси Г.Ғиёсова, Ўзбекистон ХДПнинг Тиббиёт бирлашмасидаги бошланғич ташкилоти раиси Э.Нусуровлар мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ишлар, бунга жавобан соҳа ходимлари кўрсатаётган фидойилик ҳақида гапирдилар. Соғлиқни сақлаш муассасаларида меҳнат қилаётганлар орасида Ўзбекистон Халқ демократик партияси аъзолари кўпчилиги ва улар аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, тиббий маданиятни ошириш юзасидан ташаббуслар билан чиқаётгани қайд этилди.

Деҳқонобод туман Марказий шифохонасидаги ЎзХДП бошланғич ташкилоти ҳамда касаба уюшма қўмитаси ҳамкорлигида «Шифокорлик — халқ эъзозлаган касб» деб номланган маънавий-маърифий тадбир ўтказилди. Унда туман тиббиёт бирлашмаси бош ҳакими Нортожи Янгибоев, Деҳқонобод туман партия кенгаши раиси Ашур Норбоев, саломатлик маркази бош ҳакими М.Усмонов, туман Хотин-қизлар қўмитаси раиси Д.Ҳасанова ва бошқалар одамлар соғлигини сақлаш ҳамда соғлом турмуш тарзини тарғиб этишда соҳа ходимлари олдида турган вазифалар ҳақида тўхталди. Бу борада энг аввало партиямиз аъзолари ўрнак кўрсатишлари зарурлиги таъкидланди.

Бир гуруҳ тиббиёт ходимларига ЎзХДП Деҳқонобод туман кенгаши, туман тиббиёт бирлашмасининг Фахрий ёрлиқлари топширилди.

ЎзХДП МК Матбуот хизмати.

РАҚОБАТ — РАВНАҚ ВА ФАРОВОНЛИК ГАРОВИ

✓ Брифинг

Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасида ўтказилган «Республикамизда Монополияга қарши сиёсатнинг шаклланиши» мавзуида бўлиб ўтган брифингда асосан шу ҳақда гап борди.

Мамлакатимизда бугунги кунда ишлаб чиқарилаётган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг 98 фоизи, қурилиш ишлари ҳажмининг 59,3, аҳолига кўрсатилган пуллик хизматларнинг 48, чакана савдонинг 47 фоизи деярли кичик бизнес корхоналари улушига тўғри келмоқда. Табиийки, бунда республикамизда монополист ва табиий монопол корхоналар фаолиятини тартибга солишга оид қонунчилик асослари ҳамда соғлом рақобат муҳити яратилгани муҳим омил бўлмоқда.

Чунончи, бугунги кунда «Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида» (1996 йил), «Табиий монополиялар тўғрисида» (1999 йил) каби қонунлар монополистик мавқега эга корхоналар фаолиятини тартибга солишда мустаҳкам ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда. Қолаверса, мазкур ҳужжатларни замон зайлига мос такомиллаштириш юзасидан ҳам зарур ишлар кенг амалга оширилмоқда. Хусусан, нефть ва газ конденсати, табиий газ ва кўмир ишлаб чиқариш соҳаларининг монополиядан чиқарилиши ҳамда уларда рақобатни ривожлантириш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўрилаётгани фикримизнинг яққол далилидир.

Шунингдек, алоқа хизмати бозорида ҳам рақобат муҳити вужудга келтирилгани туфайли соҳада сўнгги пайтларда табиий монополияга чек қўйилди. Табиий монополияларнинг қатор секторларида рақобатни янада такомиллаштириш йўлида хизматларни сотиш бўйича хусусий операторлар тизими ҳам изчил жорий этилмоқда.

Брифингда олиб борилаётган ана шундай ишлар кўлами ҳақида журналистларга атрофлича маълумотлар берилди.

Замон АЛИ

✓ Кўргазмалар

БАРЧАСИ ХАЛҚИМИЗ ДАСТУРХОНИ УЧУН

Ноябрь ойининг охирги ҳафтасида «Ўзэкспомарказ» кўпгина халқаро кўргазмалар масканига айланди. Чунончи дастлаб иккинчи павильонда ўтган 13-халқаро озиқ-овқат саноати ва қишлоқ хўжалигига ихтисослашган «Food Week Uzbekistan» ва «Agrotek Uzbekistan» кўргазмаларида жаҳоннинг 19 мамлакатидан 45 компания қатнашди. Тўрт бўлимдан иборат ушбу кўргазмаларда истеъмол, озиқ-овқат ва қайта ишлаш саноатида эришилган сўнгги ютуқлар кенг намойиш этилди. Кеча эса бу ерда «Ўзагроэкспо» ҳамда «Чой ва қаҳва» халқаро кўргазмалари очилди.

Агросаноат соҳасидаги анъанавий 4-ихтисослашган кўргазма экспозициялари соҳавий йўналишларга бўлиниб, уларда қишлоқ хўжалиги техникаси, озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш, музлатгич ва совутиш, савдо шохобчалари ва умумий овқатланиш жойлари жиҳозлари кенг ўрин олган.

«Чой ва қаҳва» учинчи ихтисослашган кўргазмасига ташриф буюрувчилар дунёдаги энг севимли ичимликлар тўғрисида янада кўпроқ маълумотларга эга бўлиб, бу маҳсулотлар билан боғлиқ турли давлатлар анъаналари билан ҳам танишиш имкониятига эга бўлишаяпти.

Алишер РЎЗИЕВ олган сурат

Суратда: «Food Week Uzbekistan» кўргазмасидан лавҳа.

ДЎСТЛИК ФЕСТИВАЛИ

Сирдарё вилоятида Бош Қомусимиз қабул қилинганининг 16 йиллиги муносабати билан «Ўзбекистон — умумий уйимиз» шиори остида дўстлик фестивали бўлиб ўтди.

Унда тегишли идора ва муассасалар, жамоат ташкилотлари, миллий-маданий марказлар вакиллари, талаба ва ўқувчилар иштирок этди.

Бош Қомусимиз халқимизнинг фаровон ҳаёти, Ватанимиз тараққиёти, миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатликнинг ҳуқуқий асоси бўлиб хизмат қилмоқда. Айни пайтда Сирдарё вилоятида тўқсонга яқин миллат ва элат вакиллари тинч-тотув яшаб, жамият ривожига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси Ҳ.Ортиқбоева, Республика Байналмилал маданият маркази раҳбари ўринбосари М.Нурматова, «Тасвирий ойина» ижодий уюшмаси бошқаруви раиси И.Латипов, вилоят ҳокимининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ёрдамчиси М.Каримов ва бошқалар дўстлик ва ҳамжиҳатлик мамлакатимиздаги осойишталик, барқарорликнинг асосий омили эканлигини таъкидладилар.

Фестиваль доирасида турли миллат вакилларининг қадриятлари, миллий ҳунармандчилик, тасвирий ва амалий санъат намуналарини ўзида акс эттирган кўргазма ташкил этилди.

Д.ЭСОНОВА, ЎзА мухбири.

✓ Ҳолат, мулоҳаза

ИЖРОСИЗ ТАҚДИМНОМАЛАР

ёки қонун талабини амалга оширишдаги қатъиятсизлик хусусида

Ўтган йили Данғара туманидаги «Роҳатой» хусусий савдо ишлаб чиқариш фирмаси (ХСИЧФ) мансабдор шахслари Ж.Солиева ва М.Усмоновга нисбатан қўзғатилган жиноят иши терговини олиб бораётган Фарғона вилоят прокуратураси тергов гуруҳи қонун ижросини таъминлашда баъзи бир мутасаддиларнинг қатъиятсизлиги ушбу ишдаги жиноятларга сабаб бўлганини аниқлашди. Тошкент — Ўш автойўлининг Қўқон шаҳрига кираверишда 15979,0 квадрат метр жойда «Роҳатой»га қарашли хусусий автомашина бозори 1996 йилдан буён фаолият юргизиб келган. «Патта тўлови тўғрисида»ги қонун, Президентимизнинг 1996 йил 5 мартдаги «Бозорларнинг фаолиятини ташкил этишни ва аҳолига хизмат кўрсатиш сифатини яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг «Бозорлар фаолиятини ва бошқаришни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорида патта тўловидан тушган маблағнинг 50 фоизи маҳаллий бюджетга тўланиши белгиланган. Аммо «Роҳатой» фирмаси патта тўловидан тушган нақд пул тушумини тўлалигича фирма даромадига олган. Солиқ идорасига эса жами пул тушумидан фақат 10 фоизини ягона солиқ сифатида тўлаб келган, холос.

Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 12 августдаги «Бозорлар фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорида «бозорлар очиқ турдаги акциядорлик жамиятлари сифатида ташкил этилади. Бозорлар акцияларининг назорат пакети жойлардаги давлат ҳокимияти ва бошқарув органларига тегишли бўлиши керак» деган талаб қўйилган. Лекин вилоят бозорлар уюшмаси, Данғара тумани ҳокимлиги, солиқ инспекцияси ва бошқа ваколатли органларнинг мулкчилик шаклини ўзгартириш, юқоридаги Фармон ва қарорлар талабларига мослаштириш, қайта рўйхатдан ўтиш тўғрисидаги талаблари ушбу фирма раҳбарлари томонидан бажарилмаган. Юқоридаги Фармон ва қарорлар ижроси ҳамда Фарғона вилоят ҳокимининг 2003 йил 28 февраль ҳамда 2004 йил 30 декабрдаги ушбу бозор фаолиятини Вазирлар Маҳкамаси қарори талабларига жавоб бермаслиги учун тўхтатиш тўғрисидаги фармойиш ва қарори ижроси ҳам мутасадди мансабдор шахсларнинг қатъиятсизлиги оқибатида таъминланмаган.

Бундан ташқари, «Роҳатой» ХСИЧФ тариқасида рўйхатдан ўтиб, амалда эса автомашина сотиш хусусий бозори сифатида қонунга зид фаолият юргизаётгани ҳақида Данғара ДСИ ходимлари томонидан Данғара туман ҳокими номига 2003, 2004, 2005 ва 2006 йилларда қатор тақдимномалар берилган. Совуқ-қонлик оқибати дейсизми ёки масъулиятсизлик сабабми, юқоридаги тақдимномалар талаби ҳам бажарилмай қоғозда қолиб кетаверган. Вилоят адлия бошқармаси бошлиғининг 2006 йил 20 июндаги хати ҳам туман ҳокимлигида эътиборсиз қолган.

«Роҳатой» ишлаб чиқариш фирмаси раҳбарлари кўнгиллари тусаган ишни қилиб юраверишган. Бозорда фойдаланиб келинган электр қурилмалари электр тармоғига махсус рухсатномасиз улаб олинган ва 2005 йилга келиб тегишли идора билан шартнома тузилгунга қадар электр энергияси учун ҳақ тўламай келган. Қарийб ўн йил муддат ичида «Қўқон энергомарказ» ОАЖ мутасаддилари электр тармоғига ноқонуний уланиб, фойдаланиб келган бозорни тармоқдан узиб ташлаш ёки электр ҳақини (15 миллион сўмдан кўпроқ) ундириб олиш чорасини кўрмаган.

Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 11 апрелдаги «Савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси объектларини улар жойлашган ер майдонлари билан биргаликда ҳамда ер майдонларини мерос қилиб қолдириш шарти билан умрбод эгалик қилиш учун хусусий мулк сифатида сотиш тартиби тўғрисида»ги қарорида савдо ва хизмат кўрсатиш объектлари жойлашган ер майдонлари билан бирга хусусий мулк сифатида сотилиши белгиланган. Бино ва иншоотсиз ернинг ўзи хусусий мулк сифатида сотилмайди. Аммо бозор жойлашган ер майдонида бино ва иншоотлар мавжуд бўлмаса-да, ўшандай бинолар мавжудлиги ҳақида ҳужжатлар тақдим қилиниб, ер майдони тўлиғича давлат мулки қўмитасининг ҳудудий бошқармаси томонидан «Роҳатой» ХСИЧФ раҳбари Ж.Солиевага 2000 йилда хусусийлаштириб берилган.

Юқоридаги каби ҳолатларга дуч келган тергов гуруҳи жиноятнинг сабаблари ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида вилоят ҳокими, вилоят давлат мулкини бошқариш ҳудудий бошқармаси бошлиғи ва Қўқон шаҳар ҳокими номига ўтган йили июнь, июль ойларида тақдимномалар киритди. Ҳудудий бошқарма ва Қўқон шаҳар ҳокимлигига юборилган тақдимномаларда ер майдони хусусийлаштирилиши билан боғлиқ ҳужжатларни бекор қилиш тўғрисида хўжалик судига даъво аризаси киритилиши талаб қилинди. Вилоят ҳокимлигидан эса ер майдони хусусийлаштирилишининг қонунийлигини ўрганиб, якуний қарор қабул қилиш ва вилоят ҳокимлигининг «Роҳатой» ХСИЧФ фаолиятини тўхтатиш тўғрисидаги бир қанча қарорларининг ижросиз қолишига, «Роҳатой» фирмасининг узоқ йиллар давомида қонунсиз фаолият юритишига имконият яратиб беришга сабабчи бўлган мутасадди шахсларнинг интизомий жавобгарлик масаласини кўриб чиқиш ҳам сўралди.

Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, «Роҳатой» ХСИЧФ раҳбарлари Ж.Солиева ва М.Усмоновлар тергов гуруҳи томонидан Жиноят кодексининг 8 та моддасида кўрсатилган жиноятни содир этганликда айбланиб, жиноят иши судга оширилди. Жиноят ишлари бўйича Ўзбекистон тумани судининг ўтган йил 4 декабрдаги ҳукми билан улар айбловдаги барча моддалар билан айбли, деб топилди. Судланувчиларга нисбатан амнистия акти қўлланилиб, улар жазодан озод қилинди. Маҳаллий бюджетга ҳамда «Қўқон энергомарказ» ОАЖга тўланиши лозим бўлган зарар пулмаларга ҳам аввалгидек совуққонлик билан қаралмоқда. Қўқон шаҳар ҳокимлигининг Ж.Солиевага хусусийлаштириб берилган ер майдонига тааллуқли ҳужжатларни бекор қилиш тўғрисидаги даъво аризаси вилоят хўжалик суди томонидан ушбу низо фуқаролик судига тегишли, деб қайтарилгандан сўнг (2007 йил 27 июль) мана орадан бир йилдан кўп вақт ўтса ҳамки, Қўқон шаҳар ҳокимлиги ҳам, ҳудудий бошқарма мутасаддилари ҳам фуқаролик судига мурожаат қилишмаган. Ахир бу ерда гап давлат мулки — ер ҳақида кетмоқда. Айнан давлат мулкини бошқаришга, ҳимоялашга масъул идораларнинг бундай совуққонлигини қандай изоҳлаш мумкин? Фарғона вилоятида, айниқса, Қўқон шаҳрида бир қарич ернинг баҳоси олтиндан қиммат. Ваҳоланки қарийб 1,5 гектар ер ҳақидаги масалага наҳот вилоят ҳокимлиги ҳам, ҳудудий бошқарма ҳам, Қўқон шаҳар ҳокимлиги ҳам шундай совуққон муносабатда бўлса?

Бизнинг шу каби саволларимиз ва мурожаатимизга Қўқон шаҳри собиқ ҳокими Ҳ.Каримов «эртагаёқ фуқаролик судига даъво аризаси киритамиз» деб жавоб берганди. У киши айтгани амалга ошмаганидан хабаримиз бор. Қўқон шаҳрининг янги раҳбари тақдимнома ижроси ва давлат манфаати билан боғлиқ бу масалага албатта эътибор қаратади, деб ўйлаймиз.

Фарғона вилояти давлат мулкини бошқариш ҳудудий бошқармасидан сўровномамизга **«хўжалик судига даъво аризаси киритилиш вазифаси юкланди»** мазмунида жавоб олдик. Ушбу жавоб ўтган йили ҳудудий бошқарма томонидан прокуратурага юборилган жавобнинг айнан ўзи. Ваҳоланки, бир йил олдин бу даъво фуқаролик судига тааллуқли деб хўжалик суди томонидан қайтарилган... Ҳудудий бошқарманинг бу масаладаги мунсабати ана шундай...

Вилоят ҳокимлигидан олинган хатда эса бугунги кунда «Роҳатой» ХСИЧФга ажратилган ер майдонларини қайтариш бўйича тегишли чоралар кўрилаётганлиги маълум қилинган. Бир йилдан ортиқ вақтдан буён эътиборсиз қолаётган тақдимнома ижроси ниҳоят ростдан ҳам амалга ошаётгандир. Аммо шу ўринда хаёлга табиий савол келади.

Хусусий автомашина бозори раҳбарларининг бир ёки икки йил эмас, ўн йилдан кўпроқ вақт ноқонуний фаолият юритишига, тўловларни очиқдан-очиқ тўламаслигига, қарорларни тан олмаслигига нега йўл қўйиб берилди? Мутасаддилар нега қатъият кўрсатишмади? Айниқса, прокуратуранинг давлат манфаати билан боғлиқ тақдимномалари кимсан вилоят ҳокимлиги, вилоятдаги нуфузли бошқарма-ю Қўқон шаҳар ҳокимлиги томонидан ҳозиргача ижро этилмаганини қандай изоҳлаш мумкин?

Вилоят прокуратураси тергов гуруҳи томонидан вилоят ҳокимлигига юборган тақдимномада кўрсатилишича, Ж.Солиева ва М.Усмоновлар туман ҳокимлиги, солиқ инспекцияси ва бошқа давлат идоралари ходимлари устидан турли юқори идораларга ариза-шикоятлар ёзиб, уларга босим ўтказиш орқали ноқонуний фаолиятларини давом эттириб келган. Ҳатто вилоят ҳокимининг 2004 йил 23 сентябрдаги фармойиши асосида Ўзбекистон туманида ташкил этилган автомобиль сотишга ихтисослаштирилган бозорнинг иш бошлашига қаршилик кўрсатиш мақсадида юқори идораларга шикоятлар ёзиб, турли текширишлар ўтказилишига ва бу ерда носоғлом муҳит пайдо қилишга эришган. Ихтисослаштирилган автомашина бозори фаолият кўрсатишига йўл қўйилмаган.

Яна бир ҳолат. Хўжалик судининг ажрими билан «Роҳатой» ХСИЧФга тегишли автомашина бозори фаолияти тўхтатилгандан сўнг ўтган йилнинг ёзида Қўқон шаҳрида «Қўқон ихтисослаштирилган автомашина бозори» ташкил этилган эди. Ўшандан бошлаб Ж.Солиева ва М.Усмоновлар ушбу бозор ҳақида ҳам қатор идораларга шикоят-аризалар ёзмоқдалар. Уларнинг аризалари асосида бу бозор атрофида ҳам текшир-текширлар бошланган. Қўқон шаҳар ҳокимлиги ташаббуси билан ташкил этилган ва 51 фоиз акцияси шаҳар ҳокимлигига тегишли бўлган ушбу бозор тақдири нима билан тугаши номаълум...

«Роҳатой» ХСИЧФ фаолияти юзасидан ўтган йил январь ойида текширув ўтказган вилоят солиқ бошқармаси ходимлари устидан ҳам Ж.Солиева ва М.Усмоновлар томонидан кўплаб шикоятлар ёзилган. Солиқ инспекциясининг «Роҳатой» ХСИЧФга тегишли хусусий автомашина бозори фаолиятини тўхтатиш тўғрисидаги даъво аризасини кўраётган судьяга ҳам турли йўллар билан босим ўтказишга ҳаракат қилинган. Бозор фаолиятини тўхтатиш тўғрисидаги суд ҳужжати ижросига кескин қаршилик бўлган. Бозор ҳудудидан ўтган газ қувурларидан фойдаланишга рухсатномаси бўлган дўкон ва сартарошхонага газ туширилишига М.Усмонов беш йилга яқин вақт ичида йўл қўймаган. Данғара тумани Чодакли қишлоғидаги маҳалла эса М.Усмоновнинг ноқонуний ҳаракати устидан охири судга мурожаат қилиб, масалани ечишга мажбур бўлган.

Тўғри, қонун ўз кучини кўрсатмаса, мутасаддилар қатъиятли бўлмаса, шундай ҳолатлар юзага келади. Ёзишмалардан ҳайиқибми ёки бошқа сабабми, қонунлар ижросини таъминламасликнинг ўзи одамлар орасида ишончсизлик ва турли гап-сўзларнинг кўпайишига сабаб бўлади. Бу эса алал-оқибат қонунлар обрўсини туширади. Қонунни тан олмайдиганлар, унинг ижросидан бўйин товлашга уринишлар кўпаяди.

Акбар ЖОНУЗОҚОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

МАТОНАТЛИ ОДАМЛАР

Автобусда бир неча соатлик йўл, Тошкентга етиб келгач нари-бери нонушта ва кейин бир неча соат давом этадиган машқлар, сўнг яна автобусда орқага, Самарқандга қайтиш... Бундан хабар топган мураббийлари Рустам Қориев, Анвар Исмоиловлар Нуриддин учун ижарага уй топдилар. Машқларда, мусобақаларда бутун жамоа қатори Нуриддиннинг ҳам маҳорати ошиб борди. Меҳнату машаққатлар ўз самарасини берди — ўтган йил Ўзбекистон терма жамоаси таркибида Анталияда футбол бўйича ампутантлар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионатида олтин медалга сазовор бўлди. Шундан сўнг Нуриддин Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институтига имтиёзли равишда ўқишга қабул қилинди.

Бу спортдаги муваффақиятлар... Ҳаётда... Нуриддиннинг ёшидаги ҳар бир йигит оила, келажак ҳақида ўй суриши табиий. Аммо... қандай қиз у билан ҳаёт йўлини боғлашга рози бўлар экан?! Унинг аҳволини тушунган оилали жамоадошлари руҳини кўтаришди: «Мана, бизга қара, энг гўзал, оқила қизларга уйланганмиз. Ҳали кўрасан...». Нуриддин ҳам шундай қизга дуч келди — бекободлик Ёрқиной билан бир-бирини ёқтириб қолишди. Аммо йигит унга имконият берди, яхшилаб ўйлаб кўринг, деди. Бу синов — Ёрқинойнинг футбол машқларига ва мусобақаларга ташрифи, телефондаги суҳбатлари орқали ҳол-аҳвол сўрашлар, гоҳ-гоҳидаги учрашув, ширин дийдорлашувлар икки йил давом этди. Уларнинг тўйи бўлиб ўтганига бир ойдан ошди. Ёшларнинг отаоналари ўзаро келишиб, келин-куёвларга пойтахтдан икки хонали уй олиб беришди. Рафиқаси Ёрқинойнинг гулдек ҳунари бор — элита пардалар тикади. Хуллас, оилада бўлажак футболчиларни тарбиялаш учун ҳамма шароит бор...

— Бир куни бозор қилиб, четроққа чиқиб дам олиб турсам, йўловчилардан бири рўпарамда тўхтаб, чўнтагини ковлаштириб менга пул узатди, — ҳикоя қилади Нуриддин. — Қоним қайнаб кетди. Зўрға ўзимни босиб олдим. Йигит эса қайта-қайта узр сўраб, жўнаб қолди...

Тўғри, орамизда ногиронлигини пеш қилиб, одамларда шафқат уйғотиб, садақа сўраб ўтирадиганлар ҳам учрайди. Баъзан уларнинг олдига бориб, насиҳат қилишдан ўзимни тутолмай қоламан.

Ҳамма қатори яшашинг учун давлат имконият яратиб қўйибди-ку, атрофингда яхши одамлар кўп-ку, дейман. Уларга ўз ҳаётим ҳақида гапириб беришдан эринмайман...

Нуриддин бу кунги ҳаёти, эришган муваффақиятлари учун энг аввало давлатимиздан, Президентимиздан, қолаверса, атрофимиздаги яхши одамлардан миннатдор эканлигини алоҳида таъкидлади. Улар — шифохонада тасодифан танишган қисматдош дўсти, Ахборот технологиялари университети талабаси, ангорлик Илҳом, яйпанлик футбол фидойиси, марҳум Олимжон Акбаровнинг ногирон футболчиларни мунтазам қўллаб-қувватлаб келаётган ўғиллари... Хуллас, суҳбатимиз давомида анча номлар тилга олинди.

Бугунги кунда жойларда 114 бўлимлари фаолият юритаётган, 120 минг аъзо ва юздан ошиқ шўъба корхонасига эга бўлган Ўзбекистон ногиронлар жамияти ҳам эътибор ва эъзозга муҳтож кишилар ташвишига шерик даргоҳга айланган. Жамият ҳуқуқшуноси Бахтиёр Мусабековнинг деярли ҳар бир иш куни тиғиз — айрим идора, ташкилотлардан иши битмай ҳафсаласи пир бўлган ногиронлар ариза билан жамиятга мурожаат қиладилар. Шикоятларнинг мазмуни ҳар хил. Мана, масалан, хусусий дўкони ёпилиб, ундаги моллар мусодара қилинган хусусий тадбиркор аввал судга мурожаат қилган, суд унинг даъвосини қаноатлантирмаган. Бахтиёр Мусабеков ишни ўрганиб, асосли кассация шикоятини тайёрлашда ёрдам берди, суд жараёнларида иштирок этди. Ногирон тадбиркор ҳозир хурсанд — судда ютиб чиқди, моллари қайтиб берилди, дўкони яна харидорларга хизмат кўрсата бошлади.

Стоматология поликлиникасининг ходими эса раҳбариятнинг унга иш шароити яратиб бермаётганидан норози бўлган. Бу сафар иш судгача етиб бормади — поликлиника бош врачи жамият ҳуқуқшуносидан унинг ходими бўлган III гуруҳ ногиронига иш шароити яратиб бериш ҳақида тегишли қонун ва кодекслардан кўчирма келтирилиб, тушунарли қилиб ёзилган хатни олган заҳоти хатосини англаб, ходимининг ўринли талабини қондириш чораларини кўрди.

Бу каби ҳаётий мисоллар Республика ногиронлар жамиятининг мамлакатимизда яшаётган 850 минг ногиронининг истак-таклифларини ўрганиши, кузатишлари натижасидир. Улар ўртасидаги энг долзарб муаммо эса иш билан таъминланиш ва ижтимоий инфратузилма объектларига тўсқинликсиз кириш масалалари эканлиги аниқланган. Ногиронлар орасида давлат ва яқинларига боқиманда бўлиш эмас, аксинча уларга фойда бериш ниятидаги кишилар кўпчиликни ташкил этади.

— Партиямиз электорати ҳисобланадиган ногиронларнинг ижтимоий муҳофазаси масалаларига, уларнинг манфаатларига хизмат қиладиган миллий қонунларни янада такомиллаштиришга фракциямиз аъзолари масъулият билан ёндашади, — **дейди Олий Мажлис қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси Гулистон Аннақличева.** — Амалдаги қонун ҳужжатларининг ижросини таъминлаш юзасидан тегишли вазирлик ва идораларнинг ҳисоботларини эшитиш ҳам одат тусига кириб бормоқда.

Айниқса, **«Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий муҳофаза қилиш тўғрисида»**ги Қонунга киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар туфайли ногиронларнинг ижтимоий ҳимояси, шарт-шароитларини яхшилаш, уларнинг ҳуқуқларини кенгайтириш, иш билан таъминлашда иш берувчиларнинг имконият ва қизиқишлари, манфаатдорлиги ошиши кузатиляпти.

Ушбу Қонунга кўра, йигирмадан ортиқ ходим ишлаётган корхоналарда ногиронлар учун ходимлар сонининг камида уч фоизи миқдорида иш ўрни яратиш белгиланиб, бу талаб бажарилмаган тақдирда ҳар бир яратилмаган ишчи ўрни учун бу корхона меҳнатчисининг бир йиллик ўртача иш ҳақи миқдорида жарима солиш кўзда тутилган.

Шунингдек, қонун корхона, ташкилотлар раҳбарларининг ногиронларнинг ижтимоий инфратузилма объектларига тўсқинликсиз кириш, турар жой ва ишлаб чиқариш бинолари, хизмат кўрсатиш шохобчалари, транспортда бемалол ҳаракатланиши учун шароит яратишдаги масъулиятини ҳам оширди — қонун бузилиши ҳолларида энг кам иш ҳақининг 70 бараваридан 100 бараваригача жарима солинади.

— Шуниси қувончлики, турли бинолар, хизмат кўрсатиш шохобчалари қураётган тадбиркорлар маслаҳат олгани келишяпти, — дейди ногиронлар жамияти бош муҳандиси Галина Шпирко. — Улар ногиронларнинг бемалол ҳаракатланиши учун йўлаклар ва бошқа мосламалар қурилиши, қулай иш шароити яратиш воситалари ҳақида сўрашади.

— Ногиронларнинг давлатимиз яратиб қўйган имконият ва имтиёзлардан тўлиқ фойдаланиши, уларга яшаш ва таълим олиш, касб эгаллаши учун қулай шароитлар яратиб бериш борасида зиммамизга масъулиятли вазифалар юклатилган, — дейди Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш чора-тадбирлари мониторинги ва таҳлили бошқармаси бошлиғи ўринбосари Мўътабар Содиқова. — Шу йил бошидан бери 3 мингга яқин ногиронлар аравачалари, 8 мингдан ортиқ протез-ортопедия маҳсулотлари, 1600 та эшитиш мосламалари эҳтиёжмандларга етказиб берилди. Шуниси диққатга сазоворки, протез-ортопедия маҳсулотлари, ногиронлик аравачаларини ўзимизда ишлаб чиқариш йўлга қўйилгани боис бу борадаги кўпгина муаммолар бартараф этилди.

Ҳа, давлатимизнинг ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш йўлидаги қонун ҳужжатлари, чора-тадбирлари асосида уларга фақатгина моддий мадад берибгина қолмасдан, уларнинг қадр-қимматини ҳимоя қилиш, ўзини жамиятда тенг ҳуқуқли фуқаро эканлигини доимо ҳис этиб туришини таъминлаш вазифалари ҳам ётади. Бу хайрли ишларни бажаришда ҳаммамиз, сизу биз ҳам масъулмиз.

Шарофат ЙЎЛДОШЕВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

(Давоми. Боши 1-бетда)

БМТ ТАНҚИД ҚИЛДИ

БМТ Хавфсизлик кенгаши Ҳиндистоннинг Мумбай шаҳрида содир этилган қўпорувчилик ҳаракатини танқид остига олди, деб хабар беради ИТАР-ТАСС. Террорчилик оқибатида ўнлаб кишилар ҳалок бўлган. Пайшанба куни кенгаш эълон қилган баёнотида ташкилот жабрдийдаларнинг оиласи, Ҳиндистон ҳукумати ва халқига чуқур ҳамдардлик изҳор этди. Ҳужжатда қўпорувчилик ҳаракати ташкилотчилари, уни амалга оширганлар, молиявий кўмак берганларни суд ҳокимиятига топшириш уқтирилган. Шунингдек, ташкилот зикр этилган ишларни амалга оширишда қатор давлатларни халқаро меъёрлар ва кенгашнинг резолюцияларига мувофиқ ҳамкорлик қилишга чақирди.

Хавфсизлик кенгаши аъзолари яна бир бор «терроризмнинг барча кўринишлари қандай сабабга кўра содир этилишидан қатъи назар, қонунга хилоф экани»ни таъкидлаб, бу разолатга қарши муттасил кураш олиб боришини айтди.

Эслатиб ўтамиз, Ҳиндистон махсус ҳарбий кучлари террорчилар ўнтача Исроил фуқаросини асирликда тутиб турган бинога ҳужум уюштирган. Исроилнинг Нью-Деҳлидаги элчихонаси вакилининг тахминича, террорчилар 20дан ортиқ исроилликни тутқин сифатида ушлаб турибди.

ЭНГ КЕКСА АЁЛ

АҚШнинг энг кекса аёли — Индиана штатида истиқомат қилувчи 115 яшар Эдна Паркер ҳаётдан кўз юмди, деб хабар беради Рейтер. «У дунёдаги энг узоқ умр кўрган аёл бўлиб, 115 йилу 220 кун яшаган», — дейди Калифорния университети олими Стивен Коулс. Паркер хоним 1893 йилнинг 20 апрелида туғилган ва бир неча бор Гиннеснинг рекордлар китобига киритилган.

ХОРИЖДА

КОМПАНИЯ ИХТИРОСИ

Samsung компанияси ҳажми 256 гигабайтга тенг SSD-тўплагич яратди. Маълумотларга қараганда, янги технология бир сонияда икки юз йигирма мегабайтли операцияни бажариш имконига эга. Компания вакилларининг сўзларига кўра, ушбу ускуна йигирма дақиқа ичида HD форматидаги йигирма бешта фильмни кўчира олади. Унинг қалинлиги 9,5 миллиметр, оғирлиги эса 81 граммга тенг.

«ШАМОЛ ТЕГИРМОНЛАРИ» ҚУРИЛМОҚДА

Хитойда ўттиздан зиёд йирик шамол электр станцияси қурилмоқда. Маҳаллий матбуотнинг ёзишича, бунинг учун ҳукумат қарийб 77 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ ажратган. Станциялар соатига юз миллион киловатт электр энергияси ишлаб чиқариш қувватига эга.

Мутахассисларнинг сўзларига кўра, «шамол тегирмонлари» қурилиши билан мамлакатда кўмир билан ишлайдиган электр станциялари сони камаяди ва шаҳарлардаги экологик вазият яхшиланади. Атмосферага чиқариладиган карбонад ангидрид гази ҳам кескин камаяди.

ФРАНЦИЯЛИК «ЎРГИМЧАК ОДАМ»

Ален Робер Индонезия пойтахти Жакарта шаҳридаги ўттиз уч қаватли бинонинг томини «забт этиш»га муваффақ бўлди. Ажабланарлиси шундаки, у бино тепасига ҳеч қандай мосламасиз атиги қирқ беш дақиқада кўтарилган.

«Ўргимчак одам» номи билан машҳур бу шахс дунёдаги юзга яқин осмонўпар иншоот томига тирмашиб чиққан. Улар орасида Куала-Лумпур шаҳридаги «Петронас» ва Франциядаги Эйфель миноралари бор.

ХАЛҚАРО АКАДЕМИЯ АЪЗОСИ

Бухоро. Таниқли меъмор Маҳмуд Аҳмедов Бокуда жойлашган Шарқ мамлакатлари архитекторлари халқаро академияси мухбир аъзоси этиб сайланди.

Бу эътирофга у узоқ йиллик самарали меҳнатлари эвазига муяссар бўлди. М.Аҳмедов жаҳонга машҳур Чорбакр, Абдулҳолиқ Ғиждувоний, Баҳоуддин Нақшбанд каби тарихий обидаларни тубдан қайта таъмирлашга муносиб ҳисса қўшган. Маҳмуд Аҳмедов Бухоро меъморчилик мактабининг кўзга кўринган намояндасидир. Шу боис академия раҳбарияти бухоролик меъморни ушбу илмий даражага муносиб кўргани табиий ҳолдир.

Даврон БАҲРОНОВ

Барча турдаги қурилиш ташкилотлари раҳбарлари диққатига!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ КАПИТАЛ ҚУРИЛИШ БОШҚАРМАСИ

қуйидаги иншоотга пудратчи ташкилотларни танлаш бўйича танлов савдолари ўтказилишини эълон қилади:

Бухоро вилояти, Когон шаҳридаги УЯ-64/62 муассасасида ошхона ва ётоқхона қурилиши.
Буюртмачининг бошланғич нархи — **811075920 сўм.**
Қурилиш ишларини бажариш муддати — **10 ой.**
Қурилиш ишлари Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.
Буюртмачи: Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Капитал қурилиш бошқармаси.
Манзили: Тошкент шаҳри, Усмон Носир, 1-берк кўчаси, 9-уй.
Тел: 231-37-78, **факс:** 232-25-47.

Талабгор сифатида қатнашаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: устав сармояси миқдори, танлов савдолари предметининг камида 20 фоиз миқдорида айланма маблағларга ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжудлиги, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, танловга қўйилган объектга ўхшаш иншоотларда ишлаганлик тажрибаси ва кўникмаларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга ҳамда ўзаро ишончга, шунингдек, етарли ишчи кучи захираларига эга бўлишлари лозим.

Савдода қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Бухоро вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилиш мумкин:
Бухоро шаҳар, Навоий шоҳ кўчаси, 5-уй, 18-хона.
Тел: 223-96-29, факс: 223-97-51.
Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг қиймати — 60000 сўм.

Таклифлар (оферталар) танлов савдолари очилиш куни ва соатида қабул қилиниб, танлов қатнашчилари ва оферентлар иштирокда очилади.

Таклифлар (оферталар) очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб ўттиз кундан кейин қуйидаги манзил: ***Бухоро шаҳри, Навоий шоҳ кўчаси, 5-уй, 18-хонада*** соат 10.00 да бўлиб ўтади.

ТЕНДЕР ТАНЛОВИ

Наманган. Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умумиллий дастурига биноан келгуси йили вилоятдаги 42 та умумтаълим мактаби мукаммал реконструкция қилинади. Шу кунларда қурилиш ташкилотлари ўртасида тендер танлови ўтказилмоқда. 10-хўжаликлараро механизациялашган кўчма жамланма масъулияти чекланган жамияти, 8-хўжалик ҳисобидаги қурилиш-таъмирлаш шўъба корхонаси, «Бунёдкор-Косон» кўп тармоқли хусусий фирма, «Намдревпром» МЧЖ каби ташкилот ва хусусий фирмалар тендер танловининг дастлабки ғолиблари бўлишди.

Носиржон ДЕҲҚОНОВ

СОЛИҚ БИЛИМЛАРИ — БОЛАЛАРГА

Газетамизнинг ўтган (27 ноябрь) сонида «Солиқ ва ҳаёт» рукни билан берилган мақолада бир тоғли қишлоқ муаллимининг ҳозир мактабларда ўқувчиларга солиқларнинг мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётида тутган ўрни ҳақида махсус дарс соатлари ўтилаётгани, бироқ олис овуллардаги ўқув даргоҳлари ўқитувчилари бу борада олдинги таҳрирдаги солиқ кодексида белгиланган меъёрлар, Янги солиқ кодекси тўғрисида эса газета ва журналларда эълон қилинаётган мақолалар билангина чекланиб қолишаётгани ҳақидаги фикрини баён этгандик.

Гап айтилган жойидан чиқди. Муаллимнинг нияти холис экан. Айнан ўша куни (мақола чоп этилган кун) Республика Давлат солиқ қўмитасида «Солиқ билимлари — болаларга» мавзусида матбуот анжумани ўтказилди. Унда таълим муассасаларининг ўқув режаларига киритилган «Солиқлар ва солиққа тортиш асослари» фани, уни ўқитиш услубияти хусусида мулоҳазалар муҳокама этилди. Жумладан, 1-синфдан 9-синфгача бўлган мактаб ўқувчилари учун лотин алифбосида яратилган ва 2008-2009 ўқув йили режасига киритилган «Иқтисод ва солиқ алифбоси», «Иқтисод ва солиқ сабоқлари», «Солиққа тортиш асослари» китоблари юзасидан фикрлар билдирилди.

Анжуманда кичик ёшдаги болалар учун яратилган «Солиқ нима?» китоби тақдимоти ҳам бўлиб ўтди. Шунингдек, қўмита раҳбарияти йиғилганларга «Солиқ билимлари — болаларга» номли уч босқичли республика кўрик-танлови ўтказилишини маълум қилди. Тадбирда бу ерда ташкил этилган «Солиқлар музейи» намойиши ҳам бўлиб ўтди.

Номоз САЪДУЛЛАЕВ

Газ улгуржи истеъмолчилари ва газ сотувчи ташкилотлар диққатига!

«Крокус Газ Сервис» ҚК

«Сигнал» ва «Газдевайс» ЁАЖ компаниялари гуруҳининг Ўзбекистон ҳудудидаги расмий вакили қуйидагиларни таклиф этади:

ЭЛЕКТРОН БЛОКЛИ (БК) МУВОФИҚЛАШТИРАДИГАН ТУРБИНАЛИ САНОАТ ГАЗ ЎЛЧАГИЧЛАРИ (СТГ).

Мазкур асбоблар газни ҳисобга олиш бўйича замонавий ўлчаш-ҳисоблаш комплекслари бўлиб, немис технологияси бўйича Россияда ишлаб чиқарилган.
Ўлчаш диапазонлари: соатига 100 м³, 250 м³, 400 м³, 650 м³, 1000 м³, 1600 м³ гача ва ундан ортиқ.
Етказиб бериш, тўлиқ монтаж қилиш, кафолатли сервис хизмати кўрсатиш — йил давомида.
Асбоблар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатига эга.

Россияда ишлаб чиқарилган

«АГАТ» РУСУМЛИ, УЛЬТРАТОВУШЛИ, ЎЛЧАНАЁТГАН ГАЗ ҲАРОРАТИНИ АВТОМАТИК РАВИШДА ТЎҒРИЛАЙДИГАН

замонавий электрон газ ўлчагичлари.

Ўлчаш диапазонлари:
- «АГАТ» G-16 (соатига 0,16 м³ дан 25 м³ гача);
- «АГАТ» G-25 (соатига 0,25 м³ дан 40 м³ гача);
- «УБСГ» 001 G-4 (соатига 0,04 м³ дан 6 м³ гача);
- «УБСГ» 001 G-6 (соатига 0,06 м³ дан 10 м³ гача);
- «УБСГ» 001 G-10 (соатига 0,1 м³ дан 16 м³ гача).

Кафолатли сервис хизмати кўрсатиш — йил давомида.
Асбоблар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатига эга.

Сервис маркази манзили: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, «Моштабиб» кўчаси, 7-уй. Мўлжал — Тошкент вино заводи.
Тел./факс: 232-21-22, 236-39-63, 127-10-28, 127-07-72.

❖ РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари раҳбарлари диққатига!

Сурхондарё вилояти ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси

қуйидаги иншоот қурилиши учун пудратчи ташкилотни танлаш бўйича **қайта очиқ танлов савдолари ўтказилишини эълон қилади:**

Термиз шаҳридаги 110 ўринли меҳмонхонани (ошхонаси билан) электр энергияси билан таъминлаш.
Қурилиш муддати — 60 кун.

Иншоотнинг қурилиш ишларини молиялаштириш — Сурхондарё вилоят ҳокимлигининг «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компаниясига ажратилган инвестиция маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.
Буюртмачи: Сурхондарё вилояти ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси.
Манзили: Термиз шаҳри, А.Бакуменко кўчаси, 5-уй.
Тел/факс: (8-376) 222-49-71, 222-49-80, 222-49-85.

Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга мос келишлари керак: электр тармоқлари қуриш ишларини бажаришга ихтисослашган ҳамда танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — «Ўздаврхитектқурилиш» қўмитасининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Сурхондарё вилояти ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин:
Термиз шаҳар, А.Темур кўчаси, 69-уй, телефон/факс: (8-376) 222-44-73, 222-44-76.
Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — 60 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Оферталарни очиш куни ва вақтигача савдо ташкилотчиси томонидан оферталар қабул қилинади.

Таклифлар очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб 15 кундан кейин қуйидаги манзилда: ***Термиз шаҳар, А.Темур кўчаси, 69-уй***да ўтказилади.

✓ Янги шеърлар

Абдулла ОРИПОВ,
Ўзбекистон Қаҳрамони,
Халқ шоири

«МУНИС ЮРТИМНИ ДЕБ ЎЙГА ТОЛАМАН»

ТАСКИН

Менга мадад бер деб қистамагин, бас,
Менинг айтганимни болам ҳам қилмас.

Мени курашларга чорлама, укам,
Менинг пўписамдан қўрқмас чумчуқ ҳам.

Ва лекин урмасман ерга қадримни,
Кимдир билар балки бирор сатримни.

Тунлар ўзим билан ўзим қоламан,
Мунис юртимни деб ўйга толаман.

Йироқ келажакка ташлайман назар,
Дилимни дафъатан қувончлар безар.

Ҳозир-чи, хоҳласанг саломингни бер,
Агар хоҳламасанг... майли, ўтабер.

24.10.2008 й.

КАМИЛЛА

Муҳаббат ҳеч қачон топмагай завол,
Меҳр ҳам туташдир вужудга, қонга.
Камилла исмли италян аёл
Талпиниб яшайди Ўзбекистонга.

Гарчи турмушида зарра ками йўқ,
Денгиз соҳилида қасри бор кўркам.
Лекин юрагида ўчмас битта чўғ —
У ўзбек тупроғин қўмсайди ҳар дам.

Дер: етимхонада ўсдим бир замон,
Ўтди ўша юртда маъсум чоғларим.
Мени онасидай чорлайди ҳамон
Каравотда қолган қўғирчоқларим.

16.10.2008 й.

ЁВОШ-ЁВОШ

Озар дўстим нағма чалар кўзида ёш,
Ҳолинг нечук десам дейди: ёвош-ёвош.

Севиклигинг ноз қилса ҳам чимириб қош,
Мойил бўлар аста-аста, ёвош-ёвош.

Гоҳ у ёнга, гоҳ бу ёнга урмагил бош,
Омад келар бирин-сирин, ёвош-ёвош.

Жайронга айт, туёғини ёрмасин тош,
Сайрон этсин секин-секин, ёвош-ёвош.

6.10.2008 й.

ҲИМОЯ

Бу бир тушдир:
Шеър ўқирмишман
Илҳомимнинг жўшган палласи.
Ташланибди менга дафъатан
Аллақандай итлар галаси.

Қутуришиб, уввос солишиб,
Қилмоқчилар бахтимни ярим.
Атрофимни ўраб олишиб
Чирқирарди набираларим.

Бу бир тушдир:
Чўчитмас мени,
Ахтармасман ҳеч ундан ғоя.
Лекин, аниқ: пайт келса сени
Авлодлар ҳам қилгай ҳимоя.

14.11.2008 й.

ҚОДИРИЙ

Сизга юз минг жаннат бўлгайдир раво,
Балки бундан кўпин бергайдир Худо.
Шунча йил дўзахи кимсалар билан
Чидаб яшадингиз, Қодирий бобо!

24.09.2008 й.

✓ Баркамол авлод орзуси

ҲУНАР — ГАВҲАР

Бухоро туманида 5 та замонавий касб-ҳунар коллежи фаолият кўрсатмоқда. Мактабларнинг 9-синфини битираётган ёшларнинг аксарияти таълимнинг кейинги босқичини Галаосиё қурилиш ва транспорт касб-ҳунар коллежида давом эттириш истагини билдиришади. Бунинг сабаби нимада? Ушбу саволга жавоб топиш мақсадида коллеж ҳаёти билан яқиндан танишдик.

— Бизда ёшларга еттита йўналиш бўйича қарийб ўн бешта касб-ҳунар сирлари ўргатилади, — дейди коллеж директори, техника фанлари номзоди, доцент Ахтам Ҳайдаров. — Замон талаблари даражасида жиҳозланган ўқув хоналари, устахоналар, ошхона, компьютер синфи, ахборот-ресурс маркази, спорт зали, ётоқхона мавжуд. Ўқув юртини битирган йигит-қизлар турли хил корхона ва ташкилотларда меҳнат қилиб, жамоамизга обрў-эътибор келтиришмоқда.

— Бу коллежни танлаб хато қилмаган эканман, — дейди битирувчи Собир Латипов. — Яқинда Бухоро шаҳридаги «Мададкор» масъулияти чекланган жамиятда малакамни синаб кўришди ва шартнома асосида ишга қабул қилишди. Касб-ҳунар сирларини ўргатган устозларимдан миннатдорман.

— Мен Бухоро шаҳридан қатнаб ўқидим, — дейди Лазиз Норов. — Коллежнинг умумқурилиш ишлари бўйича ҳунар ўрганганлигим ҳақидаги диплом олдим. Яқинда «Мирқулол» хусусий трестида пайвандчи сифатида иш бошладим.

Юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш мақсадида коллеж жамоаси Бухоро Давлат университети ҳамда Озиқ-овқат ва енгил саноат технологиялари институти билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатган. Таълим жараёнига ана шу олийгоҳларнинг етук профессор-ўқитувчилари жалб этилган. Биргина бу эмас. Коллеж ўқувчилари ишлаб чиқариш амалиётларини «Бухоромахсуссувдренаж», «47-ХКМҚ», Галаосиё йўл қурилиш бошқармаси, туман газ таъминоти унитар корхонаси, «Ғаллабанк« филиали, «Нигора» тикувчилик корхонаси, бандликка кўмаклашувчи марказ ҳамда бошқа бир қатор корхона ва ташкилотларда олиб боришади.

— Халқимизда бир йигитга қирқ ҳунар ҳам оз, деган мақол бор, — дейди коллеж директори ўринбосари Умид Узоқов. — Бунга амал қилаётган ёшларнинг аксарияти бизда ўқиш истагини билдиришмоқда. Бу йил 360 нафар ўқувчини қабул қилдик. Ёшлар йилида талабаларимиз сафи 961 нафарга етди.

Даврон БАҲРОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

✓ 1 декабрь — Жаҳон СПИД (ОИТС)га қарши кураш куни

ЯШАШ УМИДИ

Одамзод бахтли яшаш учун дунёга келади. Ҳаётнинг эса мураккаб томонлари, машаққатли синовлари бор. Кимдир ҳалол меҳнат билан кун кечиради, соғлигини, яқинларини авайлайди. Бетоб бўлса, бошига кулфат тушса, ўзига-ўзи сабр тилайди. Бошқа биров кўнгил кўчасига кириб, нопок йўлни танлайди, гиёҳвандлик иллатига ботиб, бедаво дард ОИТСга чалинади. Бу хасталикни улар «орттириб», «юқтириб» олади...

Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти ҳамда ЮНЭДСнинг маълумотларига қараганда, ер юзида 2007 йилнинг декабригача бўлган даврда бу касалликка чалинган одамлар сони 33,3 миллион нафардан ошган. 2007 йилда 4,3 миллион одам ўзига вирус юқтирган. Шуниси аянчлики, уларнинг 2,9 миллиондан ортиғи оламдан ўтган. Афсуски, ҳозир бу касаллик ер юзининг исталган бурчагида учраяпти...

Маълумки, дунё халқлари ҳар йили 1 декабрь куни жамоат жойлари, ўқув даргоҳлари, ёшлар орасида «Кучларни бирлаштирамиз — ОИТСни тўхтатамиз!» шиори остида конференциялар, йиғилишлар ўтказади.

Инсоният бошига кулфат солаётган ОИВ-ОИТС қандай касаллик? «Аср вабоси» дея талқин этилаётган хасталикни қайси омиллар келтириб чиқараяпти? Айни пайтда бу даҳшатга қарши курашиш учун республикамизда қандай ишлар амалга оширилмоқда? Қолаверса, халқимиз ундан сақланиши учун нималарга аҳамият бериши керак. Республика СПИД марказининг олий тоифали врач-эпидемиологи Тўра МИРЗААҲМЕДОВга шундай саволлар билан мурожаат этдик.

— Бугун ер юзида ОИТС касаллигидан холи бирорта мамлакат қолмади.

Бу касаллик бизнинг худудимизда илк бор 1987 йилда рўйхатга олинган. Ўтган давр ичида касалликнинг интенсив кўрсаткичи ҳар 100 минг аҳолига 37,5 фоизни ташкил этди. Эпидемиологик таҳлиллар натижасига кўра, афсуски, ОИВ инфекциясини юқтириб олган шахслар ҳамма вилоятлар ва Тошкент шаҳрида рўйхатга олинган. Беморларнинг 76,3 фоизини эркаклар, 23,7 фоизини эса аёллар ташкил этади.

Маълумки, Вазирлар Маҳкамаси Республика фавқулодда эпидемияга қарши курашиш комиссиясининг 2003 йил 14 майдаги Қарорига кўра, мамлакатимизда ОИТС эпидемияси, тарқалишига қарши курашиш стратегик дастурини — мувофиқлаштирувчи комиссия таркиби тузилди. Республикамизда ушбу касаллик тарқалишининг олдини олиш чора-тадбирларини янада кучайтириш тўғрисида 2007-2011 йилларда ОИВ инфекциясининг тарқалишига қарши курашишнинг Стратегик дастури тасдиқланган. Дастурни ҳаётга татбиқ этиш учун Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида марказ мутахассислари томонидан семинар тренинглар ўтказилди.

Стратегик дастур Республика Соғлиқни сақлаш, Молия, Адлия, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, Ички ишлар, Мудофаа, Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган. Унга асосан аҳолининг касалликка нисбатан мойил гуруҳлари орасида профилактика ишлари қатъий олиб борилмоқда.

Мамлакатимизда аҳоли орасида ОИТСга қарши тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтириш ишларига жуда катта эътибор қаратиб келинмоқда. Бу борада мустаҳкам ҳуқуқий асослар яратилган. Жумладан, 1999 йилнинг 19 августида республикамизда «Одамнинг иммунитет танқислиги вируси билан касалланишининг (ОИВ касаллигининг) олдини олиш тўғрисида»ги Қонун ҳамда қатор меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди.

— Айтингчи, одамлар касалликнинг дастлабки белгиларини қандай билиши мумкин? Айтишларича, касаллик дастлаб оддий тумов ёки гриппга ўхшаб кетади. Уни қандай фарқлашимиз мумкин?

— Дарҳақиқат, у жуда мураккаб касал, вируси ўта ўзгарувчан. Мутахассис сифатида шуни таъкидлаб айтмоқчиман, ОИТСдан сақланиш, олдини олиш, фақат тиббиёт ходимларининг иши эмас, у ижтимоий аҳамиятга эга касаллик кўринишига айланиб улгурди.

Касаллик уч хил йўл билан соғлом одамга юқади: жинсий алоқа, парентирал, яъни тери бутунлигига жароҳатланиш оқибатида ҳар хил муолажалар қўллаш — укол қилиш, ОИТС вирусини юқтирган шахс фойдаланган шприцлардан фойдаланиш орқали ўтади.

Касаллик вируси ҳаво орқали, кийим алмашганда, бир товоқдан овқат еганда, қўл бериб сўрашганда юққани фанда исботланмаган. Ёки унинг ҳар хил ҳашарот ёки чивин чаққанда ўтгани кузатилмаган.

Агар вирус организмга шу уч хил йўл орқали ўтган бўлса, у 4-6 ҳафта 1,5-2 ой мобайнида (инкубация) кўпаяди. Худди шамоллагандек одамнинг ҳарорати кўтарилади, бўғинларида оғриқ сезилади. Терида тошмалар пайдо бўлади, узоқ вақт йўталади, жаг ости, қўлтиқ ости, бўйин лимфа тугунлари катталашади, сўнгра ич кетиш ҳолати юз беради. Беморнинг ҳолати, одатда, тиббий муолажадан кейин ўзгаради, 15-25 кундан кейин соғайгандек бўлади. Уч ой мобайнида одам организми шу вирусга қарши «антитела»лар ишлаб чиқаради. Биз махсус лабораторияда «антитела»ларни шахснинг қонидан олиб, вирус бор-йўқлигини аниқлаймиз.

Касалликнинг дастлабки белгилари қачон юзага чиқиши беморнинг турмуш тарзига ҳам боғлиқ. Соғлом турмуш тарзига эга одам уни тасодифан юқтирган бўлса, камида 10 йилдан кейин юзага чиқади. Агар у носоғлом ва нопок муҳитда яшаса, касаллик аломатлари тезда сезилиб қолади. Кўпроқ бу дардга гиёҳвандлар ва фоҳишалар йўлиқади.

ОИТС — инсон организмининг ҳимоя тизимини яъни иммунитетни жуда камайтириб юборади. Оқибатда одам организмига ҳар хил ёндош касалликлар хуруж қилади, беморнинг аҳволи оғирлашади...

Беморлар орамиздаги одамлар — сизу бизга ёт эмас, кимнингдир фарзанди, отаси, онаси, синглиси, оиласи, жигарлари... Уларни хўрлаш, камситиш, ҳақ-ҳуқуқини поймол этиш мумкин эмас. Улар ҳам аслида жуда яшашни, соғайишни хоҳлашади, афсуски, ортга йўл йўқ. Тасаввур этинг, ёнингизда яқинингиз, ота-она, фарзанд ёки кимнингдир умри тугаб, ҳаёт шами ўчаётганини кўриб, уни асраб қололмаймиз... Бу нақадар оғир кўргулик.

Биз ҳозир кўпроқ касалликнинг жисмоний, маънавий талофати ҳақида гапирдик. ОИВ ОИТС ҳар қандай мамлакат иқтисодий тараққиётига салбий таъсир этади. Чунки беморларни даволаш, диспансер назоратига олиш, уларга кўрсатиладиган барча тиббий хизмат давлат томонидан бепул таъминланади.

— Сиз мутахассис сифатида касалликдан сақланишнинг қандай оддий ва ҳаётий йўлларини тавсия этасиз?

— Бедаво дарддан сақланишнинг биринчи йўли, аввало, аҳоли касаллик ҳақида тўлиқ тасаввурга эга бўлиши муҳим. Айниқса, оилаларда соғлом маънавий муҳит, соғлом турмуш тарзи, миллий қадриятларимизга асосланган покизалик, саранжомлик ва жуфти ҳалолига, оиласига садоқатли бўлиш осойишта ҳаёт кечиришдир.

Халқимиз азалдан покдамон, оилани муқаддас билиб, покиза, ҳалол яшашни ўзларининг турмуш тарзида бош мезон ҳисоблаб келади. Демак, дунёда «бедаво дард» деб талқин этилаётган ОИТСдан узоқ бўлишнинг ягона йўли — миллий ахлоқий мезонларга риоя этишдир!

Саида САЙХУН,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

✓ Қилмиш-қидирмиш

ФИРИБГАР

Хўжайли туманилик Алтинай ўйлай-ўйлай тузган режаларини амалга оширишга киришди. Дастлаб Г.Ешимбетованинг уйига бориб кредит «олганини» айтиб мақтанди.

Банкда танишлари борлиги, керак бўлса унга ҳам кредит олиб бериши мумкинлигига ишора қилди.

— Вой. Қандай яхши. Қариндошимга кредит керак эди.

— Гап бўлиши мумкин эмас, — деди Алтинай.

Г.Ешимбетова дарҳол қайин опаси Г.Бабажановага телефон қилди.

— Дўстим келди. Сизга кредит олиб беради. Тезроқ келинг.

Учовлон жам бўлишгач, Алтинай устамонлик билан гап очди:

— 20 миллион кредит олишнинг ўзи бўлмайди. Гаров керак, ҳужжатларни тўғрилашга эса озроқ харажат керак бўлади.

Содда аёллар дастлаб 40.000, сўнг 10.000, бироз вақтдан кейин 200.000 ва 100 000 сўмни.., хуллас, жами 2 400 000 сўмни Алтинайнинг қўлига қандай қилиб тутқазиб қўйишганини ўзлари ҳам билмай қолишди...

Б.Собиров ҳам Алтинайнинг тузоғига тушганлардан бири.

— Алтинай банкдан кредит олиб бераман, танишларим бор деб айтди, — дейди у судда.

— Унга ишониб биринчи марта 300 минг сўм бердим. Бир неча кундан кейин эса гаров ҳужжатларини тайёрлаш учун 200 000 сўм кераклигини айтди. Алтинай билан бир неча марта Нукусга бориб келдим. Ҳаммаси бўлиб 900 000 сўм харажат қилибман...

Жабрланувчи С.Исмоиловнинг фиғонидан эса тутун чиқади. У ҳам алдганлар «рўйхати»да бор.

— Сурат билан паспортимнинг нусхасини сўради, бердим, — деди судда у. — «Ҳужжатлар учун, кредитни тезлаштириш учун, кассир қўл қўймаяпти», деган алдовлар билан 1 000 000 сўмдан айрилдим.

Қисқаси, кредит олиб бераман деб фуқароларни алдаб келган фирибгарнинг барча қилмишлари фош этилди. Суд жазо тайинлашда айбланувчининг айбига иқрор бўлиб пушаймонлиги, етказилган зиённи қоплаганлиги, аёллиги, икки нафар фарзанди борлигини эътиборга олди.

Мазкур воқеа бошқаларга ҳам сабоқ бўлар деб ўйлаймиз. Негаки, орамизда «ишингизни битириб бераман, у мушкулингизни осон қиламан», деб қўйнингизни пуч ёнғоққа тўлдириб, бор-бисотингизни юлиб олувчилар бор. Афсуски, улар гапига ишонамиз, оқибатини ўйламай ноқонуний ҳаракатга йўл очамиз. Сўнг эса афсус чекамиз. Аттангдан эса фойда бўлмайди.

Равшан ШОДИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

«POYTAXT AUKSION» давлат унитар корхонаси

қуйидаги автотранспорт воситаси 2008 йилнинг 30 декабридан аукцион савдоларига қўйилишини маълум қилади:

Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй манзилида жойлашган «Aktiv broker» тасарруфидаги 2000 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 AR 068 бўлган «Тико» русумли автотранспорт воситаси,

бошланғич баҳоси — 6 300 000 сўм.

Савдоларда қатнашиш истагини билдирган талабгорлар объектнинг бошланғич нархидан 10 фоизи миқдоридаги закалат пулини «POYTAXT AUKSION» давлат унитар корхонасининг АТИБ «Ипотека-банки» Шайхонтоҳур филиалидаги ФА 00425, СТИР 204399967, 20210000004243151002 ҳисоб рақамига тўлайдилар. Аризалр қабул қилиш савдодан бир соат аввал тўхтатилади. Савдолар соат 11.00 да бошланади.

Мазкур автотранспорт воситаси савдога қўйилиши белгиланган кунда сотилмаган тақдирда навбатдаги ҳар ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари ўтказиладиган аукцион савдоларига қўйилади.

Савдолар Тошкент шаҳри, Миробод тумани, А.Темур шох кўчаси, 16 «А» уй манзилида ўтказилади.

Телефон: 233-23-40.

Тошкент шаҳар Оққўрғон кўчаси 18-уйда жойлашган хусусий нотариус Аҳмедов Р.Н томонидан 2001 йил 24 мартда Саидов Алишер Баҳодирович номига 2718 сон билан рўйхатга олиниб, расмийлаштириб берилган, Чилонзор Ц мавзеси 12-уй, 59-хонадоннинг олди-сотди шартномаси ҳамда уй режаси ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Ангрен шаҳар давлат педагогика институти томонидан 1980 йилда Қ.М.Қорабоева номига берилган ИВ-Т №261414 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНСИН.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Ижроқўми Ҳайъати Жиззах вилоят партия кенгаши раисининг ўринбосари Мўътабар Каримовага ўғли **ВОҲИДЖОН**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Navruz International Corp.» қўшма корхонаси жамоаси корхона таъсисчилари Шуҳрат Илхомов ва Шавкат Илхомовга оналари **Жамила ТОЖИБОЕВА**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G'ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Feruz NAZIROV
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug'bek MUSTAFOYEV
Tat'yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o'rinbosari)
G'affor HOTAMOV
(Bosh muharrir o'rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Nomoz SA'DULLAYEV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:
Partiya hayoti 233-10-13
Madaniyat va sport 233-69-45, (Tel. Faks) 233-21-43
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 233-20-36, 233-44-55
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot 233-12-56
Mas'ul kotib 233-72-83, 236-55-17
Reklama va e'lonlar 233-38-55, 233-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-22-32
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg'onada — 26-43-62
Denovda — 8-37641-23-780

MANZILIMIZ:
100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz
e-mail: uzbovozi@mail.ru

Navbatchi: Ravshan SHODIYEV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi: Sobirjon TUNG'ATOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston
Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro'yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 1049
7955 nusxada bosildi
t — Tijorat materiallari
O'zA yakuni — 21.00
Topshirilgan vaqti — 23.15
8

Sotuvda erkin narxda